

АЛПОМИШ ВА УНИНГ ОТАЛАРИ ҚАНЖИҒАЛИ УРУҒИДАНМИ ЁХУД ҚАЛМОҚЛАР АСЛИ КИМЛАР?

«Достон-халқ ҳаётининг бадиий солномаси бўлиб, у ҳаётни реал-конкрет деталлар, фактлар асосида эмас, аксинча, ҳаётий ҳақиқатга ҳалал бермаган ҳолда воқеликни бадиий образлар воситасида акс эттиради»¹. Биз бу ҳолатни «Алпомиш» достони вариантларида акс этган этник гуруҳлараро муносабатлар мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

«Алпомиш» достонининг Ўрта Осиё ва Волгабўйи туркий тилли халқлар орасида бир неча версиялари мавжуд. Қозоқ,² қорақалпоқ,³ татар,⁴ тожиқ,⁵ ўйрот⁶ ва бошқирд⁷ халқлардаги сингари «Алпомиш» достонининг кўнғирот версиясида ҳам халқнинг узоқ давом этган этник тарихи, таркиби, келиб чиқиши, миллий хусусиятлари, моддий ва маънавий маданияти, ўтмишдаги ижтимоий турмуш тарзи тўғрисида бебаҳо маълумотлар сақланган. Достонда ниҳоятда мураккаб ва кўп қиррали этнологик маълумотларни учратиш мумкин⁸.

Этнология фанида ўзбек халқи таркибидаги субэтник гуруҳларни турмуш тарзи билан боғлиқ кўплаб тарихий-этнологик маълумотлар тўпланган⁹. Мазкур маълумотларга таяниш достондаги кўнғирот этник гуруҳи билан боғлиқ баъзи бир илмий муаммоларга ойдинлик киритиш имконини беради. Масалан, достонда Бойбўри, Бойсари ва Алпомиш кўнғирот этник гуруҳининг қайси уруғига мансублиги масаласи шулар жумласидандир. Ҳ.Зарифов Алпомиш ва унинг оталари кўнғирот этник гуруҳининг қанжиғали уруғига мансублигини таъкидлайди¹⁰. Бизнинг аниқлашимизча, бу биров ҳақиқатдан йироқроқ.

Биз бу ҳолатни Булунғур достончилик мактаби вакили ҳисобланган ва «Алпомиш» достонини энг мукамал вариантини ижро этган Фозил Йўлдош ўғли варианты мисолида таҳлил этамиз. «Алпомиш» достонининг Фозил

Йўлдош ўғли вариантида эпик қаҳрамон мансуб субэтник гуруҳ «ўн олти уруғ кўнғирот» деб аниқ кўрсатилади.

Ўнолтуруғ Бойсун-Кўнғирот элида,
Илгариди пайдо бўлди Довонбий,
Довонбийдан пайдо бўлган Олпинбий,
Олпинбийнинг ўғли эди Бойбўридан Бойсари¹¹ ...

Агар кўнғиротларнинг этник жиҳатдан тармоқланишига назар солсак, улар беш катта уруғга бўлинганлигини кўрамиз. Бу уруғлар қабила бошлиғи Кўнғирота ва унинг катта хотинидан туғилган тўрт ўғил (Вахтамғали, Қўштамғали, Қанжиғали ва Айнли) ҳамда кичик хотинидан бўлган бешинчи ўғил (Тортувли) га бориб тақалади. Демак; 1) «вахтамғали» уруғи 18 аймаққа бўлинади. Шунинг учун у ўн саккиз ота «вахтамғали» деб юритилади; 2) «қўштамғали» («ўн олти ота қўштамғали»); 3) «қанжиғали» («ўн тўрт ота қанжиғали»); 4) «айнли» («ўн икки ота айнли»); 5) «тортувли» («олти ота тортувли»)¹². Ана шу 66 та уруғнинг ҳар бири кичик-кичик тармоқларга бўлинган. Бу эса қариндошғуруғчилик гуруҳларини ёки уруғ-қабилачилик муносабатларини келтириб чиқарган.

«Алпомишнома» асарида ҳам Алпомиш «ўн олти уруғ Кўнғирот» элида туғилган деб таърифланади. Чунки патриархал-уруғчилик даврида кондошлик муносабати ота уруғига қараб белгиланган, яъни қўштамғали уруғига мансуб бўлган Бойбўри тортувли уруғи вакили Кунти-мишхонимга уйланади. «Алпомиш» достонининг кўпгина вариантларида Алпомишнинг отаси қўштамғали (ўн олти ота), онаси эса тортувли (олти уруғ) уруғидан эканлиги кўрсатиб ўтилган¹³. Мазкур жараён «Алпомиш» достонида патронимия¹⁴ ҳолати мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Демак, Алпомиш ва унинг оталари қанжиғали эмас, балки қўштамғали уруғига мансуб бўлиб чиқади.

Кўнғирот этник гуруҳининг қўштамғали уруғи Шеробод воҳасида ва Ҳамкан сингари ҳудудларда тарқалган. Уларнинг асосий қисми Қирсақ дарёси ҳавзасидаги воҳаларда, Кичик ва Катта Урадарё атрофларидаги кенг

яйловларда яшашган¹⁵. Демак, қўштамғали уруғи ҳозирги Сурхондарё воҳасининг асосан, Шеробод туманида жойлашган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Бойбўри ва Бойсарининг хотинлари кўнғирот қабиласининг тортувли уруғига мансуб бўлган. Тортувли уруғи эса, асосан ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида ўрнашган¹⁶. Бу уруғ жойлашган ҳудуднинг ғарбий қисми Шерободдарё (ҳозирги Дарбандгача) ва Шеробод воҳасидан жанубий-шарқда жойлашган Худойдодга қадар, шарқий қисми ҳозирги Қўмқўрғон тумани, шимолий қисми эса Халқаёр дарё ва жанубдан ҳозирги Шеробод тумани ҳудудларигача ёйилган. Демак, Алпомиш ва унинг оталари кўнғирот қабиласининг қўштамғали уруғига мансубдир. «Ўн олти ота уруғи» деганда, қўштамғалининг ўн олти аймағи ёки ўн олтита катта патриархал оилалар гуруҳи назарда тутилган деб тушуниш ҳақиқатга яқиндир. Бу эса, Бойбўри ўн олти аймақни ўз ичига олган қўштамғали уруғининг бошлиғи бўлса, Бойсари фақатгина бир ёки бир неча аймақ (аниқроғи, ўн минг уйли кўнғиротнинг) бошлиғи бўлган деган хулосага келиш учун асос бўлади.

Достонда кўнғирот уруғидан ташқари «қалмоқ»¹⁷ этник гуруҳи ҳам тилга олинади. Тарихий асарларда¹⁸ «қалмоқ»ларнинг иқтисодий-сиёсий турмуш тарзига оид маълумотлар келтириб ўтилган. Бу асарларда таъкидланишича, ўйротларни мўғуллар «олат», хитойликлар «вало», турклар эса-«қалмоқ» деб номлаганлар¹⁹. Демак, ўйротларни туркий тилли халқлар «қалмоқ» деб аташган.

Рашидиддиннинг гувоҳлик беришича, XII асрда мўғул қабилалари икки қисмга, яъни ўрмон (ўрмон ва тоғли жойларда яшаб, асосий машғулотлари овчилик бўлган) ва чўл (тоғ водийлари ва чўлларида кўчиб юриб чорвачилик билан шуғулланувчи) ҳудудларида яшовчи мўғул қабилаларига бўлинишган²⁰. Ўрмон ва тоғли мўғул қабилалари асосан, Байкал кўли, Енисей ва Иртиш дарёларининг юқори оқими ҳудудларида истиқомат қилганлар²¹. Биз юқорида таъкидлаб ўтган ойрат (турклар «қалмоқ» деб

номлаган қавм)лар мазкур ҳудудда яшовчи мўғул қабилаларига генетик жиҳатдан алоқадор бўлишган.

XVII аср ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Олтойнинг туркий тилли қабилалари сиёсий томондан ғарбий мўғулларга ёки XVII асрнинг иккинчи ярмидан «жўнғор» номи билан маълум бўлган ўйратларга қарам эди²². Ўйратлар жуда катта феодал давлатга бирлашган бўлиб, улар яшайдиган эл рус манбаларида «Жўнғория» деб номланган²³. Олтой кўчманчиларининг асосий қисми «теленгут», «телеут» ёки «оқ қалмоқ» номи билан машҳур бўлиб, Жўнғорияда 4000 аймақни ташкил этган бу элат жўнғор хонларига тобе эди²⁴.

«Алпомиш» достонида учрайдиган Тойчахон ким эканлиги ҳам тадқиқ талаб масалалардан биридир. Маълумки, қалмоқларнинг турмуш тарзида кўчманчилик муҳим ўрин тутган бўлиб²⁵, уларнинг ҳукмдорлари «тайши» («тойчахон») унвони билан юритилган²⁶. Бизга маълумки, Чингизхон авлодидан бўлган хонлар «тайчжи» (хитой тилидаги «тай - цзк» - «шаҳзода» сўзидан) унвонини қабул қилган ва «қалмоқ» ҳукмдорлари ҳам ўзларини ушбу унвон билан шарафлашни лозим топишган²⁷ (Масалан, Эсень-тайчжи, Амасанчжи ва бошқ). Демак, достонда келтирилган «Тойчахон» номи тарихий асарларда қайд этилган атама бўлиб, бу номни ҳукмдор номи эмас, балки, қалмоқ ҳоқонларига берилган унвон сифатида тушунмоқ ҳақиқатга яқинроқдир.

Элшунос олим И. Жабборовнинг фикрича, достондаги “ўзбеклар” деб номланган қалмоқ эли асли ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланувчи қabila туркуми, ҳозиргача ўзбекларнинг этник таркибида “қалмоқ” уруғи сақланган. Ваҳоланки улар Олтойдаги кўчманчи қалмиқ-ойратларга ҳеч қандай алоқаси йўқ²⁸. Мазкур илмий назария балки ҳақиқатга яқиндир, аммо “қалмоқ” ларнинг ватани Олтой ва у ер билан чегарадош ҳудудлар бўлганлигини эсдан чиқармаслик зарур. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Алпомишдаги келгинди қалмоқлар илк ўрта асрларда Марказий Осиёда пайдо бўлиб жуда

катта қирғин ва вайронагарчиликлар келтирган жунгар ёки мўғул истилочиларининг поэтик тарзидаги ифодаси бўлиши мумкин²⁹.

Манбаларга қараганда, XVI асрда Моварауннаҳрга Дашти қипчоқдан келган қабилалар орасида қўнғиротлар борлиги аниқ. Аммо, “Шайбонийнома” муаллифи таърифича, Муҳаммад Шайбонийхонга қарши чиққан Бухоро ноиб Бокитархонга қўшилган маҳаллий қалмоқлар тилга олинади³⁰. Бойсундарё водийсида ўша вақтда қўнғиротлар 3.5 мингдан кўпроқ кишидан иборат, ўзбеклар таркибида Бухоро воҳасида ўтган аср ўрталарида қалмоқларнинг сони 9 мингга яқин бўлган³¹.

Тарихий-этнологик фактларнинг тасдиқлашича, қалмоқлар ижтимоий турмуш тарзида маъжусийлик ва бутпарастлик эътиқодига ишониш кучлироқ бўлган³². Уларда оддий қоҳин (маъжусийлар руҳонийси) «монза», юқори даражадаги қоҳин «лаба», олий қоҳин эса «кутухта» деб номланган³³.

Қалмоқлар ҳозирги Қозоғистон билан Мўғулистон Республикаси худудлари чегараларида, Синьцзян номли шимолий Хитой вилояти ва унинг таркибидаги Синьдзян, Чугунах, Шихо, Турфон, Кульджа каби шаҳарлар, яъни Олтой, Тяньшан ва Балхаш қўли атрофларида яшаганлиги маълум³⁴. Демак, қалмоқлар тил мансубияти ва этногенетик жиҳатдан мўғул қабилаларига алоқадор бўлишган³⁵.

Абуший Ҳасан Ато «қалмоқ»лар тўғрисида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: «Қолмақ ва ё қолмоқ ва турғоут исми ила манғуллар жуда кўбтан бери тарихга маълум ўлсаларда, «улейут» ва ё «олейўт» исминдағилари очик маълум эмас эди. Бунинг бу исм ила отолмиш халқларни «ғипирбурий халқлари» зумрасидан сонар эдилар. Эмди маълум ўлдики, улейўт ила қолмоқ ҳар икковиси манғулларнинг бир фирқасининг турли исмлари дир. Мазкур қолмоқ-турғоутулейутлар икки улуғ фирқага бўлинмишдирлар. Бир фирқаси бу кунда Манғулия жануб-ғарбинда Жунғария отолмиш саҳроларда тириклик этадилар. Ва бир ози «эски манғуллар» исминча мағриб тарафина йўнолиб, Вулғор бўйина, Астрахан саҳроларина йерлашмишдирлар. Ҳар икки фирқасининг ўзларина ойрим хонлари ҳам бўлиб, узоқ муддат мустақил

равишда тириклик этмишлар. Бошқа туркий қавмлар ила кўб муомалалари хам ўлмишдир»³⁶.

«Қалмоқ»лар географик ва лингвистик жиҳатдан мўғул қабилаларига яқин эканлиги маълум бўлаяпти. Жумладан, қалмоқ ҳукмдорлари мўғул хонлари унвонларини қабул қилганлиги масалани янада ойдинлаштиради.

Хуллас, «Алпомиш» достонида Бойбўри, Бойсари ва Алпомиш кўнғирот этник гуруҳининг қўштамғали уруғига мансуб бўлган. Бу ерда патриархал-уруғчилик муносабатлари талқини устуворлик қилади. Достонда талқин этилган «қалмоқ»лар эса, географик ва лингвистик нуқтаи назардан мўғул қабилаларига яқин этнос номидир.

¹ Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: «Фан», 1981. – Б. 32.

² Алпамыс-батыр. Под ред. М.Ауэзова и Н. Смирновой. – Алма-Ата, 1961.

³ Сагитов И. Т. Каракалпакский героический эпос. – Т.; 1962.

⁴ Валитова А.А. Татарская версия эпоса «Алпамыш» // Тюрко-монгольское языковедение и фольклористика. – М., 1960. – С. 173-209.

⁵ Таджикские варианты текстов. – Сталинабад, 1959.

⁶ Суразаков С. С. Об алтайском сказании «Алып-Манах». – Т.; 1959. – С. 197-202.

⁷ Киреев А. Н. О башкирском эпосе «Алпамыш» // Вопросы башкирской филологии. – М., 1959. – С. 52-59.

⁸ Қаранг: Об эпосе «Алпамыш». – Т.; 1958; Жирмунский В.М. Сказание об эпосе и богатырская сказка; Валитова А.А. Алпамыш // Краткая литературная энциклопедия. Т. I. – М.; 1962.

⁹ Бартольд В.В. Двенадцать лекций по истории турецких народов Средней Азии // С. т. V; Аманжолов С.А. Вопросы диалектологии и истории казахского языка, – Алма-Ата, 1959.

¹⁰ Зарифов Х.Т. Основные мотивы эпоса «Алпамыш» // Об эпосе «Алпамыш». – Т.; 1959. – С. 9.

¹¹ Мирзаев, Т. Алпомиш достонининг ўзбек вариантлари. («Алпомиш» достонининг Фозил Йўлдош ўғли варианты) – Т.: «Фан», 1968. – Б. 68.

¹² Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: «Наука», 1976. – С. 87.

¹³ Муродов М., Эргашев А. «Алпомишнома» - Т.: «Меҳнат», 1999. - Б. 55-56

¹⁴ Патронимия - ота номи, ота насаби бўйича номланиш.

¹⁵ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: «Наука», 1976. – С. 94.

¹⁶ Ўша асар. - Б. 95.

¹⁷ Мирзо Улуғбек Тўрт улус тарихи -Т.: «Чўлпон» нашриёти, 1994. - Б. 226.

¹⁸ Шастина Н.П. Алтын-ханы Западной Монголии в XVII в // Советское востоковедение, VI, - Л., 1947;

¹⁹ Веселовский Н.И. Лекции по истории монголов. Изд. Кружка ориенталистов при факультете восточных языков. - СПб., 1909. - С. 95; Жирмунский В.М. Сказание об Алпамыше богатырская сказка. - М.: «Восточный литературы», 1960. – С. 47.

²⁰ Рашид-ад-дин. Сборник летописей, т. I, кн. 1, - С. 20, 52, 89-92.

²¹ Владимирцов Б.Я. Общественный строй монголов, - С. 33.

²² Гомбаев Г. История Убашихунь-таджия // Труды Восточного отделения Археологического общества., ч. VI, 1858.

²³ Потапов А.П. Очерки по истории Алтайцев – М., Изд-во. Акад. наук. СССР, 1953. - С. 111.

²⁴ Бичурин Н.Я. Историческое обозрение ойратов. - СПб., 1893.

²⁵ Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – М.: «Высш. школа», 1989.

²⁶ Потапов А.П. Очерки по истории Алтайцев – М.: «Изд-во. Акад. наук. СССР», 1953. - С. 113.

²⁷ Владимирцов Б.Я. Общественный строй монголов. - М.; Изд-во АН СССР, 1934, - С. 142-156;

²⁸ Жабборов И. “Алпомиш” достонининг тарихий-этнографик аҳамияти. (“Алпомиш” ўзбек халқ қахрамонлик эпоси). – Т.: “Фан”, 1999. – Б. 175.

²⁹ Вопросы изучения эпоса народов ... М., 1958. – С. 38, 114-117.

³⁰ Мукминова Р.Г. К вопросу о переселении кочевых узбеков в начале XIV в //Изв. АН Узбекистана, 1954. № 1. – С. 74.

³¹ Материалы по районированию Средней Азии. Кн. 1. Территория и население Бухары и Хорезма. Ч. 1, Бухара. Ташкент, 1926. – С. 187, 211.

³² Титов А. Сибирь в XVII веке. - М.; 1890. – С. 174.

³³ Кўрсатилган асар. – С. 180-181;

³⁴ Потапов А.П. Очерки по истории Алтайцев. – М.: «Изд-во. Акад. наук. СССР», 1953. - С. 111.

³⁵ Владимирцов Б.Я. Общественный строй монголов, - С. 85, 131, 135.

³⁶ Абуший Хасан Ато. Туркий кавмлар тарихи. – Т.: «Чўлпон», 1993. – Б. 178.

РЕЗЮМЕ

Парда НОРБУТАЕВ

АЛПОМИШ ВА УНИНГ ОТАЛАРИ ҚАНЖИГАЛИ УРУҒИДАНМИ ЁХУД ҚАЛМОҚЛАР АСЛИ КИМЛАР?

Мазкур мақолада Алпомиш ва унинг оталари кўнғирот қавмининг қайси уруғидан бўлганлиги, шунингдек қалмоқлар этник жиҳатдан қайси халқларга тегишли эканлиги каби масалалар таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

Парда НОРБУТАЕВ

ДЕЙСТВИТЕЛЬНО ЛИ, ЧТО АЛПАМЫШ И ЕГО ПРЕДКИ ПРИНАДЛЕЖАТ К РОДУ КАНЖИГАЛИ ИЛИ КТО ЖЕ НА САМОМ ДЕЛЕ КАЛМАКИ?

В данной статье освещаются вопросы выяснение того, к какому роду племени кунгратов относятся Алпамыш и его предки, а также определение принадлежности калмаков с этнической точки зрения к какой либо народности.

SUMMARY

Parda NORBUTAEV

ALPOMISH AND HIS FOREFATHERS COME FROM KHANJIGASH NATION WHETHER ACTUALLY. WHO WERE KHALMAKS.

In this article Alpomish and his forefathers related to which relatives of khalmaks nation and ethnic direction of khalmaks related to which people like problems have been solved.

Таянч сўзлар: этнос, фольклор, эпос, бахши, этник компонент, кўнғирот, қалмоқ.

Ключевые слова: этнос, фольклор, эпос, бахши, этнический компонент, кунграт, калмык.

Key words: ethnos, folklore, the epos, bakhshi, an ethnic component, a Kungrat, a Kalmyk.